

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг

“Ягона буюртмачи хизмати”

инжиниринг компанияси

директори

Ш.Отаев



04.03.2022 йил

**Буюртмачи: Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг Урганч шаҳар “Гулшан” МФЙдаги Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (қирхона, стерилизация хонаси, маъмурий бино, ободонлаштириш, ёрдамчи бинолар) объектини реконструкция қилиш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Урганч шаҳри -2022**

## Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

### ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Хизматда шартнома асосида Хоразм вилояти, Урганч шаҳар “Гулшан” МФЙдаги Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (кирхона, стерилизация хонаси, маъмурий бино, ободонлаштириш, ёрдамчи бинолар) объектини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (Лойиха смета ҳужжатлари, ЗВОС лойихаси ишларини, муаллифлик назоратини ўз ичига олган ҳолда).

1.2. Танлов қиймати -31970000 (ўттиз бир миллион тўққиз юз етмиш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккаи лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 25 кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

1.5 Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-уй  
Эл.манзил: [horazm\\_ik@umail.uz](mailto:horazm_ik@umail.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойихалаштириладиган объект лойихалаштириш тоифасига кўра 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объектларда ишлаган бўлиши 2

лозим. Низом маблагги микдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

2.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

2.4. Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

